

А Ж Р И М

(ярашганлик муносабати билан жиноят ишини тугатиши тўғрисида)

2026 йил февраль ойининг 9 куни, жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг очик сайёр суд мажлиси, Самарқанд шаҳар “Катта Арик” м.ф.й. биносида бўлиб, раислик қилувчи судья З.Ахмедова, судья ёрдамчиси Д.Давроновнинг котиблигида, тарафлардан Самарқанд шаҳар прокурори ёрдамчиси И.Қувондиқов, судланувчи ХХХ ва унинг ҳимоячиси - адвокат М.Умирзақова ва жабрланувчи ХХХнинг иштирокида,

ХХХ (ХХХ) 2001 йил 5 июль куни Самарқанд шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўртаолий, ЯТМФБШ, муқаддам судланмаган, бўйдоқ, Самарқанд шаҳар “ХХХ” МФЙ, ХХХ кўчаси 5-уй 3-хонадонда рўйхатда туриб, Самарқанд шаҳар “ХХХ” маҳалласи ХХХ ХХХ-кўча, 13Б-уйда яшовчига нисбатан муносиб ҳулқ атворда бўлиш ҳақида “тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини 20.01.2026 йилда олган

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 1-қисми билан ХХХга оид №1-1401-2602/164-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, қуйидагилар

А Н И Қ Л А Н Д И :

Иш ҳужжатларига кўра, ХХХ ўзганинг мулкани алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан қулга киритиб, текин моддий бойлик орттириш мақсадида, бирор-бир меҳнат фаолияти билан қонуний тартибда шуғулланмасдан, 2025 йил 09 сентябрь куни ўзига аввалдан таниш булган, Жомбой тумани “Ногахон” маҳалласида яшовчи фуқаро ХХХга ўзини Самарқанд шаҳар ХХХ кўчасида жойлашган “ХХХ” номидаги Самарқанд таянч тиббиёт техникумининг “Фармацевтика” йўналишига танишлари орқали ўқишга киритишликни айтиб, ваъда қилиб, 12.000.000 (ўн икки миллион) сўмга тенг бўлган 1.000 АҚШ доллари миқдоридagi пулларни қўлга киритиб, қўлга киритилган мазкур пулларни ўзининг шахсий эҳтиёжлари учун сарфлаб юборган.

Судланувчи ХХХ суд мажлисида ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, айбига ўз ихтиёри билан иқрор эканлиги, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, содир этган қилмишининг оқибатларини англаб етганлиги, етказилган моддий ва маънавий зарарни тўлиқ қоплаганлиги жабрланувчи ХХХ билан бирон-бир тазйиқсиз ярашиб олганлиги муносабати билан жиноят ишини тугатишни сўради.

Жабрланувчи ХХХ суд мажлисида ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, судланувчи ХХХга нисбатан ҳеч қандай даввоси йўқлиги, етказилган моддий ва маънавий зарар тўлиқ қопланганлиги, ярашув ҳақидаги аризани ўз хоҳиши билан ёзганлиги, унга бирон-бир тазйиқ бўлмаганлиги,



ярашув суд томонидан тасдиқланганидан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ, ЖКнинг 168-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Суд, судланувчи ХХХ, жабрланувчи ХХХнинг ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши ҳужжатлари билан ўрганиб, Самарқанд шаҳар прокурори ёрдамчиси И.Қувондиқов ва ҳимоячи М.Умирзақованинг жиноят ишини ярашганлик муносабати тугатиш ҳақидаги фикрларини эшитиб, ХХХнинг муқаддам судланмаганлиги, айбига иқрорлиги ва етказилган моддий ва маънавий зарарнинг тўлиқ қоплаганлиги, ярашув судланувчининг жабрланувчининг хоҳишлари билан бўлаётганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноят ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ, ярашувга тушишини инобатга олиб, ХХХга нисбатан юритилган жиноят ишини тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан тугатишни лозим топади.

Шу билан бирга, суд жабрланувчи ХХХга Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддаси 6-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлангандан сўнг у мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишни тушунтиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисми, 585-586-моддаларига амал қилиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И :

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 1-қисми билан судланувчи ХХХга нисбатан юритилган жиноят иши Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига асосан тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан тугатилсин.

Жабрланувчи ХХХга мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш юзасидан илтимоснома бериш ҳуқуқлари йўқолганлиги тушунтирилсин.

Судланувчи ХХХга нисбатан қўлланилган муносиб ҳулқ атворда бўлиш ҳақида “тилхат” эҳтиёт чораси ажрим қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилинсин.

Ажрим норози тарафлар ва ишда тараф бўлмаган шахслар ҳам суд ҳукмининг ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор қисми устидан ажрим эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи ва жабрланувчи ажрим нухасини олган кундан бошлаб ўн сутка ичида шу суд орқали Самарқанд вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида, ажрим қонуний кучга киргач кассация тартибида шикоят бериши



ёки прокурор протест билдириши мумкин.

Раисликқилувчи, судья:

З.Ахмедова

Ҳужжат имзоланган: Ахмедова Зарифа Хусановна, 02.03.2026

